

## ТАЪЛИМДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Аҳмаджонова Маъмурахон Неъматовна**

*Фарғона шаҳар касб-хунар мактаби биология фани ўқитувчиси*

**Эралиева Ширмоной Нуралиевна**

*Фарғона шаҳар касб-хунар мактаби тарбия фани ўқитувчиси*

**Тухлиева Гулчехрахон Шавкатовна**

*Фарғона шаҳар касб-хунар мактаби ошпазлик касби бўйича ишлаб чиқариш  
таълим устаси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш мазмуни ҳақида фикрлар келтирилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим жараёнига илғор, замонавий педагогик технологияларни жорий этиш ва тадбиқ этиш зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Шу сабабли замонавий педагогик технологияларнинг анъанавий таълим методларидан фарқи ва афзалликлари ҳамда ўзига ҳос камчиликларини алоҳида қараб чиқиш зарур. Агар таълим тизимида ўқитиш сифатининг калити муайян таълим муассасаси ва аниқ бир ўқитувчи шахси деб ҳисобласак, педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш энг аввало ўқитувчи педагогларни малакасини оширишни талаб қилади. Педагогик технологияларни ўзлаштирган ўқитувчилар мазкур усулнинг анъанавий усулга қараганда самаралироқ эканлигини тўла тушунадилар, шу сабабли касб-хунар мактаби ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан педагогик технологияларни ўзлаштирилиши ҳамда амалда тадбиқ этилиши ўқитиш сифатини кескин оширишга имконият яратади. Педагогик технология- бу ўқитишга ўзига ҳос бўлган инновацион ёндашувдир. Ўқувчи шахсига йўналтирилган таълим-тарбия жараёни ўз навбатида ўқитишнинг интерфаол методлари ва инновацион технологияларни талаб этади. Интерфаол методлар дейилганда муаммоли изланиш, мантиқий, мустақил ишлаш, ўқитишда ўқувчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш ва асослаш ҳамда назорат ва ўз-ўзини назорат методлари тушунилади. Интерфаол инглизча “интеракт” сўзидан олинган бўлиб, интер- ҳамкорликда акт- ҳаракат қилмоқ маъносини билдиради. Интерфаоллик деганда, ўқувчининг ўқувчи, шунингдек машғулотдан кўзда тутилган дидактик мақсадларга эришиш учун ўқитувчи билан ҳамкорликда ёки компютер билан мулоқоти ўзаро таъсир кўрсатиш режимида ишлаши тушунилади.

Интерфаол ўқитиш - бу аввало диалог тарзда ўқитиш, мулоқот жараёнида барча иштирокчилар томонидан ҳамкорликда муаммоларни ҳал этилишидир. Интерфаол ўқитишнинг асосий моҳияти - таълим-тарбия жараёнида барча ўқувчилар ўқув-билиш жараёнининг фаол иштирокчисига айланади, улар муҳокама этилаётган муаммоларни, воқеа ва ҳодисаларнинг ривожини тушунади, муаммоли вазиятларни англайди, уни ҳал этиш йўллариини излаб, энг мақбул вариантни тавсия этади.

Ўқув материални ўрганиш, муаммони ҳал этиш бўйича турли вариантдаги ечимни тавсия этишга асосланган билиш жараёнида ўқувчиларнинг ҳамкорлиги ҳар бир ўқувчига, гуруҳ муваффақияти учун ўз улушини қўшишга, улар ўртасида фикр, ахборот ва тажриба алмашинувига замин тайёрлайди. Ушбу ҳамкорлик самимий, қулай ижтимоий психологик, ўзаро ёрдам муҳитида содир бўлганлиги учун, ўқувчилар нафақат янги билимларни ўзлаштирадilar, балки ўзининг билиш фаолиятларини ривожлантиради, уни юқори даражага кўтариб, ҳамкорликка киришишга имкон беради.

Таълим-тарбия жараёнида интерфаол усулларни қўллаш жараёнида ўқувчиларнинг ўзаро мулоқотга киришишини ташкил этиш ва бошқаришни тақозо этади, бунда ўқувчилар ҳамкорликда изланиб умумий, шу билан бир қаторда ҳар бир ўқувчи учун аҳамиятга молик бўлган муаммони ҳал этишга киришиб улар ўртасида бир-бирини тушуниш, ҳамкорликда ишлаш ва ҳамжихатлик вужудга келади. Интерфаол усуллардан фойдаланилган машғулотларда битта ўқувчининг устунлик қилиши, унинг ўз фикрини ўтказишига йўл қўйилмайди. Интерфаол усуллар қўлланилганида ўқувчилар танқидий фикр юритиш, ахборот манбалари ва вазиятни таҳлил қилиш, мураккаб муаммоли вазиятларни ҳал этиш, ўртоқларининг фикрини таҳлил қилиб, асосланган хулосалар чиқариш, мунозарада иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулоқотга киришиш кўникмаларини эгаллайди.

Ўқитишнинг интерфаол методларининг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

- Инсоннинг муҳим ҳаётий эҳтиёжи бўлган мулоқот - таълим-тарбия жараёнининг барча босқичларида қўлланилади.
- Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларга ўз кучи, билими, иқтидорини намоён этишга кенг имкониятлар берилади.
- Ўқувчиларнинг кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлашида ижтимоий-психологик жиҳатдан қулай муҳит яратилиб, мулоқотда босқичма-босқич ва самарали иштирок этишга замин тайёрланади.
- Ўқувчилар мулоқотда фаол иштирок этишлари учун фақат эшитишлари етарли эмас, балки эшитганларини таҳлил қилиш, фикр юритиш, фикрларнинг асосли ва тушунарли бўлишига эришиш лозимлигини англайдилар.
- Ўқувчилар билан ҳамкорликда, кичик гуруҳларда ишлаши орқали қўйилган вазифаларни талаб даражасида бажариш, олинган натижаларни таҳлил қилиш, уларнинг тўғрилигини текшириб кўриш, тақдим этиш ва бошқа гуруҳлар томонидан эътироф этишларига эришишлари лозим.

Таълим-тарбия жараёнида фойдаланиладиган фаол методлар гуруҳига ўқитишнинг муаммоли-изланиш методлари, мустақил ишлаш методлари, ўқувчилар фаолиятини рағбатлантириш, назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари киради.

Фаол методлар муаммоли вазиятларни вужудга келтириб, ўқувчиларнинг кичик гуруҳларида ҳамкорликда ишлаб, муаммони ҳал этиш, мураккаб саволларга жавоб топиш жараёнида алоҳида объект, ҳодиса ва қонунларни таҳлил қилиш кўникмалари ва билимларни фаоллаштиришга асосланган фаол билиш фаолиятини тақозо этади.

Шу сабабли, таълим-тарбия жараёнида ўқитишнинг репродуктив методлари бўлган оғзаки баён, кўргазмали ва амалий методлар билан биргаликда муаммоли изланиш ва мантиқий методлардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ўқитувчи мазкур методларнинг ўзига хос хусусиятлари, улар таркибига кирадиган методик услубларни тўғри англаши ва ўз ўрнида самарали фойдаланиш кўникмаларини эгаллаган бўлиши лозим.

Муаммоли изланиш методлари машғулот давомида изчил ва мақсадга йўналтирилган ҳолда вужудга келтирилган муаммоли вазиятларни ўқувчилар аввал ўзлаштирган билим ва кўникмаларини янги вазиятларда қўллаши орқали ўқув материални фаол ўзлаштиришига хизмат қилади. Бу методлар гуруҳи ўқувчиларнинг ақлий ривожланиши, ижодий ва мустақил фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш ва ундан чиқишнинг энг мақбул йўлини топиши, мўлжални тўғри олишига замин тайёрлайди.

Мазкур метод гуруҳига мансуб муаммоли-изланиш характеридаги суҳбат методидан фойдаланганда, аввал муаммоли вазиятлар яратилади, аввалдан тайёрланган муаммоли саволлар занжири баён этилади, ўқувчиларнинг ўқитувчи билан биргаликда мантиқий мулоҳаза юритишига, ўқув фаразларини ҳосил қилиш ва исботлаш, суҳбат жараёнида муаммоли саволларга жавоб топишига имкон яратилади.

Таълимнинг интерфаол методларини ўқитишга татбиқ этишда қуйидаги услублардан фойдаланилади.

**Кичик гуруҳларда ишлаш.** Кичик гуруҳларда ишлаш – ўқитувчи томонидан берилган маълум бир топширикни ҳамкорликда бажариш учун ўқувчиларни кичик гуруҳларга ажратиб, берилган топширикнинг ечиш йўллари ишлаб чиқишни тақоза этувчи методдир. Ушбу метод қўлланилганда ўқувчилар кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бирбиридан ўрганишга ва бошқаларнинг нуқтай – назарларини кадрлашни ўрганеди. Кичик гуруҳларда ишлаш методи қўлланилганда ўқитувчи бошқа ноанъанавий методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Кичик гуруҳларда ишлаш методи қуйидаги афзалликларга эга, яъни ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга, мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади, вақтни тежаш имконияти мавжуд; ўз-ўзини гуруҳлараро иш якуни асосида баҳолаш имконияти мавжуд бўлади;

**Ақлий ҳужум методи.** Ақлий ҳужум ғояларини генерация (ишлаб чиқиш) қилиш методидир. Ақлий ҳужум методи бирор муаммони ечишда ўқувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган энг самарали методдир. Ақлий ҳужум методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклда ўқитувчи томонидан берилган саволга ўқувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Ўқувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга ўқувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага тушунарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки “Пинборд” доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. Ақлий ҳужум методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар

бўйича гуруҳлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий мақсадларда қўлланилганда шахсни эркин ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади. Ақлий ҳужум методидан фойдаланганда ўқувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан, ўқувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Ўқувчиларда ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиши маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади.

Хулоса қилиб айтганда, таълим жараёни болаларга интеллектнинг ҳар хил типларини жалб қилишни талаб этадиган тажрибалар орттириш имкониятини берадиган ҳолда ташкил этилиши лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Т.: 2017-йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни “Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” китобида –Т.: Шарқ, 1997. – Б.20-29.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”// “Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” китобида –Т.: Шарқ, 1997. – Б.31
4. Азизхўжаева Н.Н. “Ўқитувчи тайёрлашнинг педагогик технологияси” – Т.: ТДПУ, 2000. – 526.
5. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. “Педагогик технологияларнинг лойҳалаштириш ва режалаштириш” – Т.: ТДИУ, 2010. – 149б.
6. Йўлдашев Ж.Ғ., Усмонов С.А. “Педагогик технология асослари” – Т.: Ўқитувчи, 2004. – 101б.